


Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил, 21 ноябрь, жума.
Сотувда эркин нархда. № 237 (1754)

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ: ДАВОМЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



энди тетапоя бўлаётган давлатимизга мадад бергани, халқаро майдонда дунё жамоатчилиги бизни ҳали яқиндан таниб улгурмаган даврларда мамлакатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганининг ўзидек юқориди саволга жавоб бўла олади. Буни ўзбек халқи ҳамини миннатдорлик билан эслайди. Бундай далилларни эса қўллаб келтириш мумкин.

— Ҳозирга қадар мамлакатларимиз ўртасидаги сиё-

та. Аввалги ҳукумат Конституцияни четлаб, ақидапарастлик йўлини туттиши билан ўз обрўсини тушириб қўйди ва инқирозга юз тутди. Бугун фаолият кўрсатётган янги ҳукумат Туркияни бу қалтис йўлдан сақлаб қолди. Туркияни дунёнинг илғор мамлакатлари талланган демократик, эркин ва фаровон жамият куриш йўлига қайтарди. Дарҳақиқат, минтақамизда ҳали нотинчликлар мавжуд экан, халқимизни қўшни

этиди. Туркия бахт-саодат ва муваффақият билан гуллаб-яшнади», деган эди. Дарҳақиқат, орадан ўтган 74 йил унинг бу башоратомуз гапларини исбот қилди. Президентимиз ташриф давомида Туркиянинг дунёга танилишига бекис ҳисса қўшган Отатурк хотирасига бўлган ўз эҳтирофини бир неча бор эътироф этди. Туркия Буюк Миллат Мажлисида парламент раиси Ҳикмат Четин билан самимий ва дўстона руҳда ўтган суҳбат чоғида нафақат Туркия халқи, балки ўзбеклар ва барча туркий тилли халқлар Отатурк номини эҳтиром билан тилга олишини қайд этди. «Йиллар ўтади, замонлар ўзгаради, лекин ҳаёт ўз улушини олади, улуглар эса ўзларининг халқчил, эзгу ва фидокорона ишлари билан мангу қоладилар», деди Президентимиз.

Расмий ташрифнинг иккинчи кунини Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари, сўнгра эса икки томонлама ҳужжатлар имзолаш маросими бўлди. Унда ўзбек-турк муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш тўғрисидаги кўшма Баённо, божхона, туризм ҳамда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда фан ва технология соҳасидаги ҳамкорлик бўйича турк-ўзбек кўшма комиссияси тўғрисидаги протокол имзоланди. Шунингдек, абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Консуллик конвенцияси ҳамда Фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг ратификация ёрликлари амалдашди. Бу ҳужжатлар, шубҳасиз, икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатларини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади. (Давоми 2-бетда).



воситалари вакилларига қисқача баёнот бердилар. Туркия Президенти С. Демирал Ислам Каримовни ўз қардошлари диёрига ташрифи билан қизгин кутлади. Мамлакатимиз раҳбари қондош ва жондош турк халқи учун муқаллас замин бўлмиш Отаюрт — Ўзбекистон саломини етказар экан, ўзбек ва туркнинг нафақат тарихий илдизи, тили ва дини, балки бутунги кунги ҳам, келажаги ҳам муштарак эканини қайд этди.

Шу ўринда узоқ ва яқин тарихга назар ташлаш ўринли бўлади. Дарҳақиқат, ўзбек-турк алоқалари олис ўтмишга бориб тақалади. Лекин юртимиз мустақилликка эришганидан сўнгги на ўзаро муносабатлар бутунлай янги тус олди. Президент Ислам Каримов ташриф чоғида таъкидлаганидек, Туркия билан қардошларча яқин муносабатларимиз мустақилликни қўлга киритган биринчи кунларимиздан бундан давом этиб келаётган. Савол туғилади: бу муносабатлар Ўзбекистонга нима берди? Мустақилликимизни биринчи бўлиб Туркия тан олгани, оғир, катта синов кезлари

ютуқларидан қувониши, уларга бўлган ҳурмат-эҳтироми ҳам яққол акс этиб турибди. Қардошларга бўлган ана шундай муносабат, ана шундай руҳ Президент Ислам Каримовнинг шу йил 17-19 ноябрь кунлари Туркия Республикасига қилган расмий ташрифи давомида бошдан то охирига қадар устувор бўлди. Анқаранинг Эсенбўга аэропортида Президент Ислам Каримовни Туркия Президенти Сулаймон Демирал самимий қутиб олди. Мамлакат Бош вазири Месуд Йилмас ва Туркия Буюк Миллат Мажлиси Раиси Ҳикмат Четин ҳам олий мартабали меҳмонни кутлаш учун тайёрағоҳда ҳозир бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, турк заминига буёрилган маъмур ташриф муқаддимасининг дастлабки дақиқалариданоқ Ўзбекистон ва Туркия давлатларининг тараққиёт йўлларида муштарак жиҳатлар кўп экани, икки халқ бир-биринга фақат раванқ ва бахт исташини намён бўлди. Олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросимидан сўнг, икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот

«XX асрнинг жаҳон миқёсидаги энг муҳим якунларидан бири, шубҳасиз, ягона тарих, тил ва дин бирлаштириб турган қардош туркий халқларнинг истиқлолга эришганидир. Тарихнинг орта қайтмас ана шу нуқтасида Ўзбекистон бошқа қардош жумҳуриятлар қаторида буюк жасорат ва қатъият билан XXI аср томон илгарилamoқда»

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон, XXI аср бугасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг яқинда турк тилида chop этилган нашрига Туркия Президенти Сулаймон Демирал эъзан сўзбошида ана шу сатрлар бор. Сулаймон Демирал бу сўзлари билан ўз миллий давлатчилигини бутунлай янги тарихий шароитда қайтадан тиклаётган ва бу йўлда қўлга киритаётган улкан муваффақиятларимизни ҳолисона эътироф этган. Бинобарин, бу сўзлар замирида давлат раҳбари қиёфасида бутун Туркия халқининг ўз қардошлари истиқлолидан ва

**ЎЗБЕКИСТОНДА
УКРАИНА
МАДАНИЯТИ
КУНЛАРИ**
АНДИЖОНЛИКЛАР ҲУЗУРИДА
Мамлакатимизда муваффақиятли давом этаётган Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи Андижонга келди. Вилоят маданият ва санъат намоёндалари, жамоатчилик вакиллари уларни анвойи гуллар билан қутиб олди.
Сўнгра дўст мамлакат санъаткорлари «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси жамоаси ҳузурида бўлди. Истиклол туғайли Ўзбекистонда қисқа муддатда замонавий автомобилсозликка асос солинган, «бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Нексиа», «Дамас», «Тикос» машиналари мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда машҳур бўлиб бораётгани меҳмонларни лол қолдириди. Сўнгра улар Асака педагогика билим юртида бўлиб, шаҳар жамоатчилиги, бўлажак муаллимлар ҳузурида ўз ижрочилик маҳоратларини намоиш этдилар. Украина ва ўзбек тароналари ҳамоҳанг янграб муҳлисларни хушнуд этди.
К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.
(Украина маданияти кунларига бағишланган материалларни 3-бетда ўқийсиз)

**АЙЛанаДИ
СОАТ МИЛЛАРИ**

ХУШ ХАБАР
**«БОФАНДА»НИ ГЕРМАНИЯДА
БИЛИШАДИ**
«Ишонмайсизми? Унда эшитинг. Бундан бир неча йил аввал бу ҳақда гапирмасдик. Бўлмаса ил-ғазлама ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган «Бофанда» ҳиссасдорлик жамиятини қарорда, Германия қаерда эди? Мазкур жамиятга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шу йилнинг баҳоридан бошлаб Германияда ўтказилаётган «Интерштоф-97» халқаро кўрсатманинг тенг ҳуқуқли асосига айланди.
Энди улар тайёрлайдиган маҳсулотлар ҳақида икки калима сўз. Бу ерда хотин-қизларнинг ички кийимлари, болалар анжонлари ва спорт кийимлари ишлаб чиқарилади. Россиянинг бир неча шаҳарларида фабрикада тайёрланган маҳсулотларга буюртмалар келиди. Санкт-Петербургда «Бофанда»нинг савдо уйи очилиш арафасида» — дег хабар берди самарқандлик мухбиримиз Гули ЧЕХРА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?
**ЛОТИНЧАНИ ТУШУНИШМАДИ,
ШЕКИЛЛИ?**
«Мен Абдумалик Абдуқодировман», дея ўзини танийтирди тахририятимизга сим қўққан киши.
«Ҳозир Тошкентни таниб бўлмай қолди. Айниқса, кўчаларимиз турли хил ёзувларга қўнқиди. Бир ёқда ўзбекча, бир ёқда инглизча дегадиди. Лекин...
Баъзан иш билан пойтахтимизнинг Оҳангарон кўчасида йўлни тушади. Аммо кеча ҳайрон бўлдим. Нега десангиз йўл ёқасидаги «ГАО ТАПОЧ» деган ҳар бир ҳарфи ўқловдай-ўқловдай келадиган ёзувлар уришчага айланаб қолди. Қизиқ, бундан бир неча кун илгари худди ўша жойида муассасанинг лотин алифбосидаги ўзбек тилида ёзилган номи микланган эди. Негадир яна...»

...ДАН ГАПИРАМИЗ!

БИ-БИ-СИ:
Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро ўзи истаган дин ёки маъбадага эътиқод қилиши мумкин. Мамлакатда барча диний эътиқодларга мансуб одамлар ўз ибодатларини эркин ва ошқора равишда бажо келтириши табиий ҳол ҳисобланади. Бу ерда ёнма-ён истиқомат қилувчи мусулмон, насроний, яҳудий, будда динида синаувчилар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Уларнинг ҳар бири ўз йўлида таъқиқсиз истаган динида эътиқод қилиш имконияти мавжуд.
Ўзбекистоннинг дунёвий, демократик давлат қураётганининг бир жиҳати ана шунда намоён бўлади.

ТАБРИК
Ўзбекистон кўрлар жамиятининг «Бир сафда» журнали қирчиллама - қирқ ёшга қадам қўйди.
Республикамиз ҳудудида яшаётган кўзи оқизларнинг ягона нашири бўлмиш журнал ўз ўқувчиларини мунтазам равишда мамлакатимиз ва хориждаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан баҳоли-қурбат таништириб бормоқда. Шу билан бирга «Бир сафда» ноҳионаларнинг ижтимоий ҳимоясига оид, шунингдек, маданият ва спорт янгилликларини ҳақиқат аҳолига тарғиб қилиш асарларини chop этимоқда.
Биз ҳам «Бир сафда» журналининг мўъжиз жамоасини ушбу сана билан қутлаб, ижодларида баркамоллик тилаймиз.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:
ЁҚИЛГИ СУВ ЭМАС-КУ!
Давлат божхона қўмитаси матбуот марказидан хабар қилишди. Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Жарқўрғон» божхона маскани ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида 16,5 тонна ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқарига ноқонуний олиб чиқилишининг олдиди олини.
Жарқўрғон тумани Оқтепа ҳудудидаги айланма йўллар орқали узун-қисқа бўлиб Тожикистонга кетаётган учта юк машинаси тўхталиб, текширилганда уларда 12 тонна дизель ёқилғиси, 4,5 тонна дизель мойи борлиги аниқланди.
Бунча сизимдаги ёқилғи Сурхондарёнинг суви эмаски, тўлатиб олиб кетилса. Ҳозир божхоначилар ана шу иш юзасидан суриштирув ўтказмоқдалар.
Соат милларини Х. АБДУРАҲМОНОВ
қўзлатди.

КУН ТАРТИБИДА -- ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида 20 ноябрь кунин республика халқ хўжалиги тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёргарлиги бағишланган кенаш бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча шаҳарларнинг ҳокимлари иштирок этди.
Кенашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.
Республика коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов, энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, соғлиқни сақлаш ҳамда олий ва ўрта махусе таълим вазирларининг ўринбосарлари Б. Йўлдошев ва У. Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари В. Дорон, Тошкент, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, бир қанча шаҳарларнинг ҳокимлари маъмур масала юзасидан ахборот бердилар.
Кенашда таъкидлаб ўтилганидек, республика халқ хўжалиги тармоқларини қиш шароитида ишлашга тайёрлашда муайян ишлар амалга оширилди. Вазирликлар, идоралар ва бирлашмаларнинг кўпчилиги, худудий бошқарув органлари зарур ташкиллар ва техникавий талбирларни ўз вақтида амалга оширди. Бу эса корхоналар ва ташкилотларнинг барқарор ишлашига, аҳоли иссиқлик, бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминланишига шароит яратди.
Бироқ халқ хўжалигининг айрим тармоқларида, баъзи шаҳарлар ва туманларда куз-қиш даврида ишлаш учун яхши шароитини таъминлайдиган тегишли чоралар қўрилмагани кенашда таъкидланди. Бу боралда юз берган аҳолининг асосий сабаблари айрим раҳбар ходимларнинг қишга тайёргарлик масалаларига масъулиятсизлик билан қараганидир. Бу ва бошқа камчиликлар, табиийки, аҳолининг ҳақли шикоятларига сабаб бўлади. Кенашда тегишли ташкилотлар ва ҳокимликлар раҳбарларининг эътибори мавжуд камчиликларни тугатиш зарурлигига қаратилди.
Кенаш ишида республика Бош вазирининг ўринбосарлари К. Раҳимов, Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов иштирок этди.

• ЕР ҲАЙДАСАНГ -- КУЗ ҲАЙДА...

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими ҳам низоҳисига етмоқда. Дехкон тракторидан бункерларини ечиб, хайдов дастгоҳларини такмоқда.

Ғўзапойлари йиғиштириб олинган майдонларда шудгорлаш ишлари қизгин олиб борилаётган. Тупрокдан болалигимиздан таниш Момо ер хиди анқимоқда. Бу манзарани дехқончилик билан шуғуланувчи барча хўжаликларда учратасиз. Бироқ бу кузги юмушнинг суръати ва сифати ҳамма жойда ҳам бир хилда эмас.

Маълумки, бу йил мамлакатда давлатта пахта сойтиш режасини фақатгина 4 та вилоят ва 65 та туман бажари, ҳоло. Бу ноҳус кўрсаткич замирида муҳим агротехник талбир -- шудгорлашдаги укувсизлик, эътиборсизлик, хато ва нуқсонлар ҳам бекиниб ётмади. Бугун ўтган йилги хатолардан сабоқ чиқариб, ишга виждонан ва оқилона киришмоқ пайти.
Бу йилги куздан дехқоннинг нолийдиган жойи қолмади. Ҳозир республикада

дек, Янгиқўрғон, Булоқбоши, Шаҳрихон, Жалолқуд, Қўнғирот туманлари кузги шудгор топшириқларини 75-92 фоизгача уладдилар. Бироқ, Пешку, Бухоро, Қоровулбозор, Ни-

манзарани Қумқўрғон, Бандихон, Нарпай туманларида учратишингиз мумкин. Бу ўз-ўзини алданган бошқа нарсани эмас. Қолаверса, республика «Ўзимёсановат» уюшмаси туман ва хўжаликларга ўғит етказиб бериш ишини жонлантириши керак!

Табиийки, бу мавсум -- техника мавсуми ҳамдир. Шу давргача техникасини сошлаб қўйган хўжаликлар бу ишда ҳам қарвонбошлик қилмоқда. Таассуфки, бу масалада ҳам жойлардаги аҳвол қувонarli эмас. Ҳозир мавжуд 14 минг 362 та хайдов тракторидан 5972 таси ишлангити. Жумладан, Қашқадарё вилоятида «Магнум» тракторларининг ярми, Кегейли туманида 215 та хайдов тракторидан 47 таси далага чиққан. Бу фактларни қандай изоҳлаш мумкин?!
Афсуски, эндиги давр баҳонани кўтармайди. Жума бекор, шанба шикор, деб кузнинг ганимат дамларини беҳуда ўтказиб юбораётганлар халқимизнинг эртанги ризқ-насибасига чанг солганлари билан баробардир.
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлими.

ЖУМА БЕКОР, ШАНБА ШИКОР... МИ?

(ЎЗА)

ҚУТЛУҒ КУНЛАР АБАДИЙ БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ФАРҒОНА:

ДИЛБАР ВОДИЙГА ТАШРИФ

Мамлакатимизда катта тантаналар билан ўтаётган Украина маданияти кунлари қатнашчиларидан бир гуруҳи Фарғона водийсига ташриф буюришди.



Меҳмонлар Марғилондаги «Ёдорлик» фабрикасининг атлас тўқиб чехида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

уларга саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фан ва маданиятни юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, Оролбўйи ҳудудига вужудга келган нохуш экологик вазиятни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Дўст мамлакат санъаткорларининг Қорақалпоғистон улқашунослик ва санъат музейларида, бадиий кўргазмалар залига ижодий учрашувлари бўлиб ўтди.

Кечқурун Бердах номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Украина ва Оролбўйи санъат усталарининг катта концерти бўлди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ОРОЛБЎЙИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Украина маданияти кунлари иштирокчиларидан бир гуруҳи Нукусга келди.

Меҳмонлар Жўқорғи Кентгесда қабул қилинди. Қорақалпоғистон парламенти раҳбари Т. Камолов

СИРДАРЭ:

ҚАЛБИ ЯҚИН ХАЛҚЛАРМИЗ

Днепр соҳилларидан юртимизга меҳмон бўлиб келган украинalik маданият ва санъат арбобларининг бир гуруҳи Мирзачўлга келишди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Албатта Украина маданиятини унинг сервикор адабиёти, гўзал ва бетакрор шеърятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳечқача эҳтиёсиз ёнгиликнинг ёшиги. Оқ тулпарда қайтарман дилбарешам олдимга.

БОД ЯҲЛЧИ ДЕНГИЗ ЁҚДАН... Анатолий КИЧИНСКИЙ

Майяс тутайди мени, Кишан этайди мени, Ҳечқача эҳтиёсиз ёнгиликнинг ёшиги.

Қайтарман, бир умрга, севинди мутлоқ Ер, Оқ бедовида ай-ай, Оқ кун сунганида май, Жирканлардан-настардан жудо бўлман мен хур,

Қайтарман тилар сабр, Қайтман оқ ялоода, Оқ боғларда оқ қорлар -- Босиб кетган хотир, Қайтман замин боғмас, Билганим ҳеч вақон йўқ...

Ярослав ЯРОШ Яроқлар тўқилар ҳолсиз, гамгусор, Гўзал, Сеп бунчалар Ошиқнинг қайса? Ҳеч бўлмас табасум айла, Бир лаҳзада келгандай баҳор.

Ёмғир келайтир, Барглар тўқилар.

София МАЙДАНСКАЯ


Зигирранг кулар Ғағзадай... кечди, Қўлақни менга Сочикни сенга Этанда соқчи, Мурғак баҳорнинг Сут тошган лаби Ер эди кучли.

Мўжазлашдим, Пастлашдим, Муз янгиғ ёт ҳовуқда, Хотиранг-да ўрнашди, Шамолим-ла тиллашди.

Рус тилидан Вафо ФАЙЗУЛЛО таржималари.



МУСТАҚИЛЛИК МАНЗИЛЛАРИ



БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТИКЛАНМОҚДА

Камчиқ довои... У қадимдан Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи саналган. Тошкент савдогарлари шу довои орқали водий шаҳарларига, ундан Уш-Саритош-Ирқитом орқали Хитойга сафар қилганлар.

Мамлакатимиз иқтисодий-саноат муносабатлари қўлга киритиш, халқимизнинг миллий ўзлигини аниқлаш сари хайрли қадамлар ташлана бошлади.

Албатта, Камчиқ довоининг мамлакат иқтисодиётига аҳамияти бекиёс. Чунки у, бир тарафдан, водий шаҳарларини мамлакат пойтахти билан боғлаб туради, иккинчи тарафдан, Андижон ва Уш орқали Саритош-Ирқитом-Қашқар йўлининг бир бўлаги ҳисобланади.

Бутун довоини халқаро талаблар даражасидаги равиш, кенг, серкатнов йўлга айлантириш борасида жуда катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари олиб борилапти.

Довоннинг Тошкент вилояти ҳудудидан ўтгани ўттиз километрик масофасида Оханджон, Пискент, Бука, Бекобод туманлари йўл қурилиш бошқармалари ишчилари меҳнат қилиш

лишмоқда. Камчиқ довоидаги ишлар бутун яна шуниси билан аҳамиятлики, бу ерда транспорт қатнови тўхтатилмаган ҳолда йўллар кенгайтирилиб асфальт ётқизилмоқда.

«О'КЕЙ! О'КЕЙ!»

дейишди ўзбек йўлсозларининг урдабуронлигини кўрган хорижлик мутахассислар

са-да, транспорт ҳаракати қатнов тўхтагани йўқ.

Кечатгина эринмай ҳисобта олдик. Бир кеча-кундузда мингдан ошди транспорт ўтди. -- дейди довоининг 137-чакирида бир неча йиллардан буён йўл хизмати назоратчиси бўлиб ишлаётган Насиб Али ака.


Чарқайдиган пайтимиз энди келди, -- дейди у киши. -- Довонга қор тушиша ишимиз қайнапти. Чунки йўлни кечасию кундузи қордан, кучкилардан тозаллаб туриш керак. Бир соат хотиржамликка берилсангиз борми, йўлни қор беркириб қанчадан-қанча йўловчиларни куттириб қўйишингиз мумкин.

Довондан тобора юқори кўтарилганимиз сари иш мароми, техникалар сони ортиб бораётганини сезамиз. Унг тараф

даги сойликда қўшимча йўл қурилаётганлигини кўриб, ҳали лойиҳа- харитада кўзимиз тушмаган бу «янгиликдан ажабланиб турганимизда, ҳамроҳимиз -- довои қурилиши штаби бошлиғи изох бердилар:

-- Бу вақтинчалик айланма йўл. Қўриб турибсизлар, довоининг юқори қисмида жуда катта ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилапти. Баъзида бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ё қор кўчиб, ёки тоғ жинслари сурилиб йўл бекилиб қолиши мумкин.

-- Бу йўл Оханджонсойнинг нақд ичи-



маси, «Тошвилояттранс» «Ўзсувқурилиш» ҳуллас, 150 дан ошдиқ ташкилот ходимлари ҳам фаол иштирок этишляпти.

Энг нозик участкада меҳнат қиляётган Мавлон Мирзаев, Собир Найимов, Мурод Валиев, Даврон Ғойибов сингари булдозерчи-улдерчилар бир йилдирки, кунлик иш режаларини ошириб бажаришга муваффақ бўлишлятганининг гувоҳи бўлдик.

Довоннинг яна бир энг оғир ва қийин участкасида «Камчиқ» ва «Резак» ер ости йўли қуриляпти.

Штаб жойлашган майдондан пастрга қарасангиз, икки қоя ўртасида сайхонликда ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўласиз. Ойнадек силлиқ, кенг асфальт йўл ястаниб ётди.

Довондаги барча лойиҳа-смета ҳужжатларини «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концернига қарашли «Ўзйўллойиҳа» институти ходимлари амалга оширишляпти.

«Камчиқ» ва «РЕЗАК» ЕР ОСТИ ЙЎЛИ Довоннинг бир юз қирқ тўртинчи чакиримига келганимизда, йўл четидидаги каттагина темир лавқалга «Наманган вилояти» деган ёзув элтиборимизни торғиди.

ОБУНА - 98

МАВЗУЛАР МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

Оммавий ахборот воситалари орасида «Халқ сўзи» газетасининг ўз ўрни бор. Газетани бутун жамоамиз билан севиб ўқиймиз, мавзусини муҳокамаляшамиз.

Шу кунларда «Халқ сўзи»га обуна қизғин давом этмоқда. Жамонанинг ишлаб чиқариш илгирлари сеvimли газетамизга имтиёзли равишда обуна бўлишляпти.

ГАЗЕТАНИНГ ТЕЗКОРЛИГИ ЁҚАДИ

«Халқ сўзи» газетасини ташкил этилган кундан бери ўқиб бораман. Ундаги тезкорлик ҳар бир кишини ўзига торғиди. Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, қабул қилинган қарор ва қонунларнинг таҳлилига боғлиқ материаллар аниқ далиллар билан шиқиб ва пухта ҳолда берилди.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Узоқ йиллардан бери банк соҳасида ишлаб келаятман. Бизнинг соҳата оид таҳлилий мақолаларни газетда кўп ўқийман. Баъзи бир банк ходимларининг қинғирликлари ҳақидаги мақолаларга кўз тушганда, одам ҳижолат торғиди.

Г. ЧИНҚУЛОВА, Пайарик тумани

Advertisement for 'BYUTI PLUS' (БЮТИ ПЛЮС) featuring a woman's face and text about beauty products and services.

Advertisement for 'ASOSIY GAZ KUVURLARI' (АСОСИЙ ГАЗ ҚУВУРИ) featuring a large graphic of a gas cylinder and text about gas supply services.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундан бир йил муқаддам қабул қилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Фармон мамлакатимиз раҳбариятининг маънавият масалаларига алоҳида эътиборининг яна бир далили бўлди.

ЯНГИ НАШРИЁТ АСАРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этилган «Маънавият» нашриёти маънавият ва маърифатни тарғиб этишга фаол киришди. Қисқа фурсатда ўнга яқин асар босмадан чиқди.

Куни кеча «Маънавият» нашриётда чоп этилган асарларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Улар орасида ўзбек жаҳид адабиётининг асосчиларидан бири, Туркистон жаҳидлик ҳаракатининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Танланган асарлари», таниқли олим Нажмиддин Қомилов таржимасида «Қомил инсон ҳақида тўрт рисола», атоқли адиб Асқад Мухторнинг сўнгги китоби -- «Уйку қочганда» (Тундаликлар), файласуф олим Абдураҳим Эркаевнинг «Маънавият -- миллат нишони» рисоалари бор.

Маросимда сўзга чиққан олимлар ва ёзувчилар, ижодий жамоатчилик вакиллари, китобхонлар ушбу асарлар республикамизда маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш, ёш авлодини мустақил Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятта эга эканини таъкидладилар, янги нашриётнинг бундан кейинги фаолиятида муваффақият тиладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Шойхонтоҳур туманида иш юритувчи ООО «Исторашон» фирмаси ўз фаолиятини тутатди. Даволаяр эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мўддатда 43-44-34 телефон орқали қабул қилинади.

КЕЧА ВА БУГУН

Бу гўзал қалбли инсон, минг-минг сарҳадларни босиб, ҳар гал пойтахтга на савдо, на бошқа юмуш, на бирор манфаат илтиҳиди келади. Магар мўъжиза рўй бериб, забон битса, олис мезордан сўйлагувчи бетакрор санъат намуналари -- ҳайкалча...

муштарий, суҳбатдошимнинг гаройиб суҳбатидан сиз ҳам огоҳ бўлинг!

«Мен бу нига ўқувчиларимни ҳам жабб қилдим. Натияжада топилган кўплаб бу...

орва ва деҳқончилик учун яхши шароит борлиги ҳам муҳим сабаб бўлган деб ўйлайман. Яна ўқувчиларимга, кўзалар ичидан чиққан кўл ва суякларни илмий...



расмий эфирроф этилгандагина ҳаммамиз гимирлаб қоламиз.

Зеро, ҳозир «отангга бор, онангга бор» дейдиган замон эмас-ку? Қанчадан-қанча тарихий ёдгорликларимиз империя замонидан Москва, Санкт-Петербург музейларига ташиб кетилгани бизга сабоқ бўлмайми?

Яна бир ҳақиқатни айтиб қўяй: бу жайдари, фидойи муаллим ҳеч кимдан заррача нолигани ҳам йўқ. Фақат мен билан, унинг пойтахтга келиб кимларгадир учрашини, кимларгадир фарзандидек ардоқлаб олиб келган бебаҳо топи...

Бугунги ҳушнасим кунларда ўзлимизни, ўтмишимизни тўғри англаш имконияти яралган экан, бундай имкониятдан фойдаланмаслик густоҳликка тенгдир. Ахир энди ҳар бир юрак, ҳар бир қалб, ўзига боқадиган, ўзини кўзгуда кўрадиган лаҳзалар келди-ку!

Инчунун, Ватан равнақи, ҳамолати учун қилинадиган, унинг мавқени юксак тутадиган хизматлар эса Кўчқор муаллимнинг эътиқоди каби бутунлики талаб этади.

Ким билди дейсиз, эрта бир кун балки бу қишлоқ дунёни лол қилгулки мўъжизалар маконига айланар?

Озода БЕКМУРОВА, журналист.

«ОЙИМЧИҚ» ТИЛСИМИ

Ёхуд будда ҳайкалчалари билан «ТИЛЛАШАЁТГАН» МУАЛЛИМ



асослаб беришга ҳаракат қиламан. Зардуштий дини қонуниятларида, Қушонларнинг буддизм динида ўликни ёқиб кулни хумга солиб кўмиш ёки ўлган одамни чордеворга солиб қўйиб, суякларни қолғач, хум тобутларга солиб кўмишдек урф-одатлари ҳақида сўзлаб бераман.

Қишлоғимизда тепаликлар кўп. Буларнинг айримлари ҳар хил воқеа-ҳодисотлардан хабар берувчи восита бўлиб хизмат қилган бўлса, бошқалари қадимги харобаларнинг қолдиқларидир. Чунки яқинда олиб борилган қазилмада Антик даврга оид паҳса девор ўрни топилди. Қишлоғимиздан топилган беҳисоб сопол буюмлари, ҳайкал, танга ва қалин паҳса девор ўрни бу ерда кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади.

Ҳа, Кўчқор муаллим рости айтди. Японлар Будданинг ярим ҳайкалчаси бўлсада, дунёга уни ҳаёт қадар ёзозлаб жар солишди. Биздачи? ...Очиги, ўн йиллардан бери бу инсон пойтахтга келиб, азиятчиларимиздан озгина эътибор, зигирча имдод истайди. Улар эса жим! Нега бизда бир нарса...

Дунёда шундай одамлар борлиги учун шукрона айтасиз, тиркичилик оламида шундайлар мавжудлиги учун заҳмат чекиб яшлаган умр мангулик қалар эканлигига имон келтирасиз. Алаҳқусус, сўзимиз нафақат Ватанга бўлган муҳаббат ҳақида, балки фарзандлик бурчи, инсоний қалб хусусидир. Бу одам эса минбарларда элу юрти ҳақида узун-узун маърузалар қилмайди. «Мен Ватанни севаман» дея кўксига урмайди. У оддий қишлоқ ўқитувчиси. Ҳали дунё губорларини англаб етмаган мусавфо қалблар билан сўзлашади. Уларнинг дунёни англаб етмакка интидиган ўй-хаёлларига эзгулик уруғларини сеплади.

ЎЗИНИНГ ҲИКОЯСИ:

Қишлоғимиз ўртасида жойлашган «Ойимчиқ» тепалиги қадимий сирларга бой жой ҳисобланади. Ривоят қилишларича, эрамининг III асрларида, бу тепалиқда уруш-жанглар бўлиб турган. Ёғий озоридан қочиб, Ойим исмли малика қирқта қанизи билан тепалиқнинг ғарб томонидаги кириш туйунгидан кириб қўйиб бўлган. Жанг тугагач, одамлар тепалиқка келиб бир неча бор «Ойимчиқ» деб хитоб қилишган. Маликадан эса сас-садо бўлмаган. Шундан буйи тепалиқ «Ойимчиқ» деб номланар экан. Ҳозирги кунда эса бу ердан турли шаклдаги кўзалар, тақичоқлар, ҳайкалча қолдиқлари топилмоқда. Агар тепалиқнинг исталган жойини бир-икки метр қовласангиз сопол синиқлари чиқади.

ги саҳифасига бориб тақалади.

У Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Лен Тольстой номи мактабининг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Миқий тарихимиз, қадимий урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни ёшлар онгига синдиришдек эзгу вазифани, бекам уқст ало этиб келмоқда. Суҳбатдошим эфирроф этиётган «Ойимчиқ» тепалиги ҳам Қашқа воҳасининг Китоб туманида жойлашган бўлиб, бу ерда ҳали шу пайтгача археологик қазилмалар олиб борилмаган. Ҳолбуки, жиддий илмий изланишлар олиб борилса, бу тупроқдан дунёни лол қилгулки мўъжизалар топилди. Келинг азиз...

Ўзбекистон — АҚШ:

ЭНГ ЭЪЗОЗЛИ КАШФИЁТ

«Тошкентдан сўнг Бухоро ва Самарқандга ташриф бурюр эканман, сизларнинг муқаддас қадим-жоларингиз гўзаллигидан ҳайратга тушдим... Ўзбекистон халқининг қадимдан таллий ва илм-фанга меҳр қўйганини биланман.

Бунинг устига, мамлакатингиз алгебра фанининг ватани ҳисобланади. Шу нарса аниқки, олам сиз эга бўлган билимлар туйфайли анчагина олға силжиган... Фикрларни қабул қилишга бўлган бундай очиклик исломнинг буюқ файласуфларига тўққизинчи, унинчи ва ўн иккинчи асрларда Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўз таълимотларига Ғарб фикрини сингдириш имконини берди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари асрлар қазарида йўқолиб кетиши мумкин бўлган донишмандлики (Аристоклешлар каби) тўлалигича сақлаб қолди».

Мазмунда катта ҳақиқат мўжассам бундай эфиррофни эшита туриб, Самарқанду Бухоронинг етти қатламидан ўрганган собиқ «буюқ оғамиз тилидан бутхлит эфиррофни нега эшитмаганмиз, деб ўйлаб қоласан киши. Шунда ҳақиқатни тан олиш учун мард бўлиш керак, зўрни зўр дейиш учун ўзинг зўр бўлишинг керак, деган гаплор ёдга тушади. Шўро замонидан эса етмиш йилдан ортик тирноқ остидан кир изланди, турли баҳона-сабаблар билан халқимиз ғурури, ўтмиш меросини топташга ҳаракат қилинди.

Истиклолимизнинг илк йилларида дунё Ўзбекистон ҳақида кўпинча Россия оммавий-ахборот воситалари орқали хабардор бўларди. У ердаги айрим матбуот нашрлари эса фарз билан Ўзбекистонда кам сонли халқлар ҳуқуқлари камситиллаётганини, диний эркинликлар бўғилганлиги ҳақидаги уйдирмалар билан жаҳон жамоатчилигини қалғитишга уринарди. Хайриятки бундай бўхтонларнинг ўмири қисқа бўлди. Дунё мамлакатимизни ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга бўлди. Шу маънода Ҳиллари хонининг: «Мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар ёнма-ён ҳолда ўз динларига эътиқод қилар экан. Бу одат жуда кўп асрлардан буйи довом этиб келаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир», деган сўзлари АҚШ юртимиздаги бу ҳақиқатни Ҳиллари Клинтон сиймосида кашф қилди, дейиш мумкин.

Американинг биринчи Хоними мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларга, айниқса, халқимизнинг демократик жамият қуриш йўлидаги интилишларига ўзи гувоҳ бўлди. Бу йўлдан бир ёки ўн йилда, таъбир жоиз бўлса «катта тезликда» ўтиб бўлмаслигини, ушбу жараённинг ўзига ҳос қийинчилиги муаммоларни борлигини ҳаммамиз хис қилиб турибмиз. Биз дуч келаётган муаммоларни тушунишда ҳам, халқимиз ўз мақсадида, албатта етажогига ишонч билдиришда ҳам Ҳиллари Клинтон ибрат кўрсатди. Ҳўш, Америка биринчи хонинининг мамлакатимизга сафари муваффақиятли бўлиши, айниқса бир-биримизни тушуниш, муносабатларда борқ уриб турган самимиятнинг сирини нимодар? Маълумки, Ҳиллари...

Клинтон ўмири инсонпарварлик ғояларига, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга бағишлаган мўътабар инсонлардан биридир. У мамлакатимизга сафари довомида ҳам 2-Тошкент давлат тиббиёт институтида Американинг халқро соғлиқни сақлаш уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Аёллар саломатлиги марказининг очилишида иштирок этди. Ўзбекистон ҳукуматининг соғлом авлодни воёга етказиш йўлидаги сиёсати, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишда амалга оширилган ишлар -- энг муҳими, ўзбекистон соғлом, ақли болалари ҳам ҳурмати меҳмонимиз учун кашфиёт бўлди.

Президентимиз Ислам Коримов Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқида Ўзбекистон -- Америка муносабатлари ҳақида сўз юрита туриб шундай дедилар: «Биз протоколга риоя қилишга ҳаракат қилмаймиз албатта, лекин протоколлар очик қалблар ўртасида тўсиқ бўлмаслиги керак». Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистон қалби дийдор дўстлик бошлаб келган ҳар бир инсон учун очик. Ўзбекистон останага қодам қўйган ҳар бир киши, аввало, унинг халқи қалбига кўз ташлайди. Ўзбекистон қалби эса... қалби бор одамларни тўқинлантирмасдан, юрагидаги борини гапиртирмасдан қўймаган. Бу юртимизда кашф қилиниши мумкин бўлган энг эъзоли кадритдир.

Жалолиддин САФОВ, «Халқ сўзи»нинг халқро шарҳловчиси.

Радиотелефон

SP-R916 900MHz

Кенгайиши - 4 та трубкагача. Интерком. 12 разрядли ЖК дисплей. Фойдаланиладиган каналларнинг диапазони кенг. Рақамли пароль. Таъминот батареясининг ҳолати индикацияланади. Кириш белгилари қочқонни очмай қабул қилинади. Хотираси 21 рақамгача. Товушлар танлаб қайта узатилади. Охириги номер такрорланади. Кенгайиш трубкалари автомат усулда номерланади. Таъминот батареяси қуввати тугаётганидан огоҳлантиради. Сигнал етиб бора оладиган зонадан ташқарига ўтилганлиги ҳақида огоҳлантиради. База блоки конструкцияли - деворга осилади, столга қўйилади.

Фирма дўконлари

Table with 4 columns: City, Address, Phone, and another phone number. Includes locations like Тошкент, Фарғона, Андижон.



Шартнома дасисиди етказиб бериш масаласини бундан мувожаат этинг: "Самсунг Электроникс Ко." Алматы офиси: Алматы, Орбита-3, 52*А-ўн. Тел: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05. Факс: 20-12-38.



SAMSUNG

ТАШКИЛОТ

Лак-бўёқ маҳсулотларини энг арзон нархларда сотади.

- 1. Цинкли оқ бўёқ 1 кг. 130 сўм.
2. Ёғли кўк бўёқ 1 кг. 125 сўм.
3. Ёғли пол бўёғи 1 кг. 120 сўм.
4. Шифт учун қизил-жигаранг бўёқ 1 кг. 120 сўм.
5. Оқ эмаль 1 кг. 200 сўм.
6. Пол эмали 1 кг. 190 сўм.
7. Кўк эмаль 1 кг. 190 сўм.
8. Олифа 1 кг. 110 сўм.

Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Жиззах вилояти матбуот бошқармасининг собиқ бошлиғи Ваҳоб ЖАЛПОЛОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва лицей раҳбарияти жамоаси лицей директорининг муовини, доцент Раббим Раҳматовга отаси Раҳмат ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ФА усимлик моддалари кимёси институти жамоаси фармакология ва токсикология бўлимининг мудирини Ф. Жаҳонгирова ўғли ФАРРУҲНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодийлик 136-36-65; Мавнавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва харбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Ўзломлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтинч гартиб № 0001 Буюртма Г — 0747, 33.805 нрехда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бېғими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир —Э. Болтев.
Навбатчи —Н. Мусомов.
Мусаҳҳах —Ф. Усмонов.

«Шарқ» наприёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6